




«INSON»

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Sug'urta Tashkiloti

таъсисчиларининг умумий

йиғилиши томонидан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

2020 йил «03» ноябрдаги

28-сонли Баённома

Islamov Ravshan Sayfutdinovich

«INSON»

MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT

SUG'URTA TASHKILOTI

УСТАВИ

(янги таҳрирда)

**2020 ЙИЛ
ТОШКЕНТ ШАҲРИ**

МУНДАРИЖА

- 1-модда: Умумий қоидалар.
- 2-модда: Жамиятнинг номи, почта манзили ва фаолият муддати.
- 3-модда: Жамиятнинг юридик мақоми.
- 4-модда: Жамиятнинг фаолият доираси.
- 5-модда: Жамиятнинг ҳуқуқлари.
- 6-модда: Жамиятнинг мулкӣ жавобгарлиги.
- 7-модда: Жамият иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
- 8-модда: Жамиятнинг устав фонди.
- 9-модда: Жамият устав фондини кўпайтириш.
- 10-модда: Жамият устав фондини камайитириш.
- 11-модда: Жамиятнинг мол-мулки.
- 12-модда: Жамият иштирокчисининг Жамият устав фондидаги улушининг (улуши бир қисмининг) Жамиятнинг бошқа иштирокчиларига ва учинчи шахсларга ўтиши.
- 13-модда: Иштирокчининг Жамият таркибидан чиқиши Жамият устав фондидаги улушни (улушнинг бир қисмини) Жамият томонидан олиниши.
- 14-модда: Жамиятни бошқариш тузилмаси. Жамият фаолиятини назорат қилиш.
- 15-модда: Жамият иштирокчилари умумий йиғилиши ваколатлари.
- 16-модда: Жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши.
- 17-модда: Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши.
- 18-модда: Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш тартиби.
- 19-модда: Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг сиртдан овоз бериш йули билан қабул қилинадиган қарори.
- 20-модда: Жамиятнинг Бош директори.
- 21-модда: Жамиятнинг кузатув кенгаши.
- 22-модда: Жамиятнинг ички ва ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш.
- 23-модда: Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти. Жамиятнинг ҳисоби ва ҳисоботи
- 24-модда: Жамият ҳужжатларини сақлаш.
- 25-модда: Зарарларни қоплаш, заҳира фонди ва суғурта заҳирасининг шаклланиши.
- 26-модда: Фойдани тақсимлаш.
- 27-модда: Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш.
- 28-модда: Бошқа шартлар.

1-модда. Умумий қондалар.

1.1. «**INSON**» Mas'uliyati cheklangan jamiyat Sug'urta Tashkiloti (кейинги ўринларда - «Жамият») Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисидаги» ва «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ таъсис этилган.

Жамият муқаддам Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2010 йил 12 майдаги 1539-сонли Гувоҳномасига асосан МЧЖ шаклида “SUG'URTA O'Z” суғурта компаниси сифатида рўйхатдан ўтган. Жамият 2017 йил 04 август куни МЧЖ шаклида “TASHKENT INSURANCE GROUP” суғурта компанияси деб номланиб, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани Ягона дарча марказида рўйхатдан қайта ўтказилди. Жамият 2020 йил 06 октябр куни “INSON” Mas'uliyati cheklangan jamiyati номланиб Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани Давлат хизматлари агентлигида рўйхатдан қайта ўтказилди. Жамият 2020 йил 27 октябр куни “INSON” Mas'uliyati cheklangan jamiyati Sug'urta Tashkiloti номланиб Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани Давлат хизматлари агентлигида рўйхатдан қайта ўтказилди.

«INSON» Mas'uliyati cheklangan jamiyat Sug'urta Tashkiloti “INSON” Mas'uliyati cheklangan jamiyatning ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.2. Жамиятнинг Иштирокчилари қўйидагилардир:

– **Alimov Alisher Muzaffarovich:** 1967 йилда тўғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, паспорти АВ 1007492, Тошкент шаҳар ИИББ томонидан 08.09.2015 йилда берилган, доимий прописка қилинган жойи Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 14^В-уй, 38-хонадон;

– **Kasimov Amir-Said Saydarifovich:** 1970 йилда тўғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, паспорти АВ 7532783, Тошкент шаҳар ИИББ томонидан 18.08.2017 йилда берилган, доимий прописка қилинган жойи Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қамарнисо 5 - тор кўчаси, 5-уй, 1-хонадон;

– **Mkrtyan Ovik Leonardovich:** 1967 йилда тўғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, паспорти АВ 3618301, Тошкент шаҳар ИИББ томонидан 08.04.2016 йилда берилган, доимий прописка қилинган жойи Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 470-472-474 уй;

– **Islamov Ravshan Sayfutdinovich:** 1972 йилда тўғилган, паспорти АВ 8915504, Тошкент шаҳар ИИББ томонидан 22.02.2018 йилда берилган, доимий прописка қилинган жойи Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Лабзак тор кўчаси, 19-21 уй.

2-модда. Жамиятнинг номи, почта манзили ва фаолият муддати.

2.1. Жамият тўлиқ фирмали номига эга:

- ўзбек тилида: «**INSON**» Mas'uliyati cheklangan jamiyat Sug'urta Tashkiloti;
- рус тилида: Страховая Организация Общество с ограниченной ответственностью «**INSON**»;
- инглиз тилида: «**INSON**» LLC Insurance Organisation.

Жамият қисқа фирмали номига эга:

- ўзбек тилида: «**INSON**» MChJ ST;
- рус тилида: СО ООО «**INSON**»;
- инглиз тилида: «**INSON**» LLC Insurance Organisation.

2.2. Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навои шоҳ кўчаси, 31 уй

2.3. Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган.

3-модда. Жамиятнинг юридик мақоми.

3.1. Жамият Иштирокчиларининг таркиби ўзгартирилиши мумкин, шунингдек ўз хохиши билан Жамият таркибига кириш истагини билдирган, унинг Уставини тан олган ва

таъсис бадалини тўлаган манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар қабул қилиниши ҳисобига кенгайтирилиши мумкин.

3.2. Жамият Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсидир, мустақил баланси, банк муассасаларида ҳисоб ва бошқа рақамларига эгадир. Жамият ўз фаолиятини тўлиқ, ҳўжалик ҳисоби, ўз-ўзини молиявий таъминлаш ва ўз ҳаражатларини ўзи қоплаш асосида олиб боради.

3.3. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда рўйхатга олинган пайтидан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади.

3.4. Жамият ўзининг давлат ва инглиз тилларида тўлиқ фирма номи кўрсатилган думалоқ муҳрига эга.

3.5. Жамият ўз фирмали номи ёзилган тамғалари ва бланкаларига, ўз тимсолига, шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига, ҳамда бошқа ўз белги - аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

3.6. Жамият ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка эга, ўз номидан ҳуқуқларга эгалик қилиши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

4-модда. Жамиятнинг фаолият доираси.

4.1. Жамият ўз ишбилармонлик фаолиятининг асосий мақсади сифатида фойда олишни кўзловчи ишлаб чиказувчи ташкилотидир.

4.2. Ишлаб чикариш фаолиятни замонавий технологик даражага кутариш, янги иш жойларни яратиш, Жамият ва унинг таъсисчилар ҳисобига фойда олиш Жамиятнинг асосий мақсадларидир.

Ўз фаолиятининг мақсади ва доирасига эришиш учун Жамият кўйидагиларни амалга оширади:

- Бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш;
- Касалликдан эҳтиёт шарт суғурта қилиш;
- Ер усти транспорт воситаларини суғурта қилиш;
- Ҳаракатланадиган темир йўл таркибини суғурта қилиш;
- Авиация суғуртаси;
- Денгиз суғуртаси;
- Йўлдаги мол-мулкни суғурта қилиш;
- Мол-мулкни оловдан ва табиий офатлардан суғурта қилиш;
- Мол-мулкни зарардан суғурта қилиш;
- Автофуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш;
- Авиация суғуртаси доирасидаги жавобгарликни суғурта қилиш;
- Денгиз суғуртаси доирасидаги жавобгарликни суғурта қилиш;
- Умумий фуқаролик жавобгарликни суғурта қилиш;
- Кредитларни суғурта қилиш;
- Кафилликни (кафолатларни) суғурта қилиш;
- Бошқа молиявий таваккалчиликлардан суғурта қилиш;
- Ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳаражатларни суғурта қилиш.

4.3. Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги томонидан тақиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга оширишга ҳақлидир.

4.4. Жамият суғурталовчи сифатида қонун ҳужжатларда белгиланган тегишли лицензия асосида суғурта фаолиятини амалга оширади.

5-модда. Жамиятнинг ҳуқуқлари.

5.1. Ўз фаолиятини амалга ошириш ва ўз олдида турган вазифаларни ечиш мақсадида, Жамият кўйидаги ҳуқуқларга эгадир:

- Келишилган тариф ва нархлар асосида суғурталашнинг ихтиёрий ва мжбурий турлари бўйича суғурта хизматларини кўрсатиш;
- Қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда суғурта турлари бўйича қоида (шартлар)ни белгилаш;
- Суғурта қопламаси миқдорни аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни белгиланган тартибда ҳуқуқ-тарғибот органларидан, судлардан, тиббий, сейсмологик, ветеринар, гидрометеорологик ва бошқа ташкилотлардан сўраб олиш;
- Суғурта агентлари, суғурта ва қайта суғурта брокерлари, шунингдек суғурта бозорининг бошқа мутахассислари билан тегишли тартибда шартномалар тузиш;
- Қонунҳужжатлар ва/ёки суғурта(қайтасуғурта) шартномаларида белгиланган тартиб ва ҳолатларда суғурта тўловидан воз кечиш, суғурта шартномасини муддатидан олдин тўхтатиш;
- Чет эллик суғурталовчиларга сюрвейер ва аджастерлик хизматини кўрсатиш;
- Ўзбекистон Республикаси ва чет эл рейтинг ташкилотларидан рейтинг кўрсаткичларини олиш;
- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг таъсисчиси бўлишга ёки уларнинг Устав фондида бошқача тарзда иштирок этишга;
- МДХ ва хорижий мамлакатларнинг корхоналари ва ташкилотлари билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш;
- бошқа юридик шахслар Устав фондида таъсисчи сифатида ёки ўзга йўл билан қатнашиш, Республика ва ундан ташқаридаги ҳудудларда ваколатхоналар ва филиаллар ташкил этиш;
- биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномалар асосида Жамият ва унинг филиаллари иш фаолиятига хорижий инвестицияларни жалб қилиш (бу ҳолда фойданинг тақсимоли шартномада алоҳида кўрсатиб ўтилади);
- Ўзбекистон Республикаси ҳамда ундан ташқаридаги ҳудудларда давлат, тижорат, юридик ва жисмоний шахслар билан турли битимлар ҳамда бошқа юридик актларни амалга ошириш;
- Жамият ишларига чет эл жисмоний шахсларини жалб қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўчар ва кўчмас мулкларни, мулкчилик ҳуқуқларни ва интеллектуал мулкни мулк қилиб сотиб олиш, уларни ижарага олиш ва бериш;
- уюшма, иттифок, консорциум ва бирлашмаларга аъзо бўлиш;
- белгиланган тартибда банкларда ҳар қандай, шунингдек валюта ҳисоб рақамларини очиш, банк кредитлари ва ссудаларини олиш, амалдаги қонунчилик асосида ҳар қандай тўлов шакллари ўтказиш ва акцептлаш, ўз маблағларини ўрнатилган тартибда ваколатли банклар орқали айирбошлаш;
- тендер ва танловларда иштирок этиш;
- узининг хўжалик фаолиятини, ҳамда ижтимоий ривожлантириш жамғармаларини мустақил режалаштириш;
- ҳомийлик ва хайрия фаолиятини амалга ошириш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, бошқа ҳуқуқларга эга бўлиш.

6-модда. Жамиятнинг мулкий жавобгарлиги.

- 6.1. Жамият ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавобгар бўлади.
- 6.2. Жамият ўз Иштирокчиларининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.
- 6.3. Жамият Иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди ва Жамият фаолияти билан боғик зарарлар таваккалчилигини улар киритган ҳиссалар доирасидагина ўз зиммаларига оладилар.

6.4. Ўз ҳиссаларини тўлик киритмаган Жамият Иштирокчилари, унинг мажбуриятлари бўйича Жамиятнинг ҳар бир Иштирокчисини тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

6.5. Жамиятнинг банкротлиги Иштирокчи сифатидаги шахснинг айби туфайли вужудга келган бўлса, Жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин.

6.6. Давлат ва унинг органлари Жамият мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар, шу тариқа Жамият ҳам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

7-модда. Жамият иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

7.1. Жамият Иштирокчилари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Қонун ҳужжат ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;
- Қонун ҳужжат ва Жамият таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;
- фойдани тақсимлашда иштирок этиш;
- Жамиятнинг Устав фондидаги ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини қонунҳужжатда ва ушбу Уставда назарда тутилган тартибда мазкур Жамиятнинг бир ёки бир неча Иштирокчисига сотиш ёки ўзга тарзда уларнинг фойдасига воз кечиш;
- Жамият бошқа Иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар қонунҳужжат ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда Жамиятдан чиқиш;
- Жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш.

7.2. Жами улушлари Жамиятнинг Устав фондининг камида ўн фоизини ташкил этадиган Жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан Жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини Жамиятдан суд тартибида чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

7.3. Жамиятнинг Иштирокчиси Жамиятнинг Устав фондидаги ўзига тегишли улушни (улушнинг бир қисмини) Жамиятнинг бошқа Иштирокчисига ёки, Жамиятнинг розилиги билан учинчи шахсга Жамият иштирокчилари Умумий йиғилишининг бир овоздан қабул қилинган қарорига биноан гаровга қўйишга ҳақлидир.

Ўз улушини (улушнинг бир қисмини) гаровга қўйиш ниятида бўлган Жамият Иштирокчисининг овози овоз бериш натижаларини аниқлашда ҳисобга олинмайди.

7.4. Жамият Иштирокчилари қонун ҳужжатлар ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

7.5. Жамият Иштирокчиларининг мажбуриятлари:

Қонун ҳужжат ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, микдорда, усулларда ва муддатларда ҳисса кўшиш;

Жамият фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмасликлари шарт.

Жамият Иштирокчилари қонун ҳужжат ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

8-модда. Жамиятнинг устав фонди.

8.1. Жамият фаолиятини таъминлаш учун Иштирокчилар ҳисобидан **15 000 000 000,00** (ўн беш миллиард) сўмдан иборат бўлган устав фонди шакллантирилди.

8.2. Жамият Иштирокчиларининг Устав Фондидаги улушлари микдори ва уларнинг номинал қиймати қуйидагича тақсимланади:

- **Alimov Alisher Muzaffarovich:** 25 % - 3 750 000 000,00 (уч миллиард етти юз эллик миллион) сўм пул куринишида;
- **Kasimov Amir-Said Saydarifovich:** 25 % - 3 750 000 000,00 (уч миллиард етти юз эллик миллион) сўм пул куринишида;
- **Mkrtchyan Ovik Leonardovich:** 25 % - 3 750 000 000,00 (уч миллиард етти юз эллик миллион) сўм пул куринишида;
- **Islamov Ravshan Sayfutdinovich:** 25 % - 3 750 000 000,00 (уч миллиард етти юз эллик миллион) сўм пул куринишида;

8.3. Иштирокчилар Устав Фондига ўз улушларининг камида 90% пул маблағлари шаклида киритишлари шарт, қолган 10% қимматли қоғозлар, бошқа мол-мулк (бино ва иншоотлар, асбоб-ускуналар, асбоб-ускуналарга эҳтиёт қисмлар, хом ашё ва бошқа товар-моддий бойликлар ва бошқалар), мулкый ҳуқуқлар ҳамда пулли баҳога эга бўлган бошқа ихтиёрга ўтказиладиган ҳуқуқлар кўринишида киритилиши мумкин.

8.4. Жамиятнинг бирламчи устав фонди суғурта қилувчилар томонидан суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олинган вақтга қадар шакллантирилиши шарт, бунда унинг миқдори қонунчиликда суғурталовчилар учун ўрнатилган энг кам миқдордан кам бўлмаслиги керак.

8.5. Жамиятнинг Иштирокчилари ва Жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахслар томонидан Жамиятнинг Устав фондига қўшиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳоси Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишининг Жамиятнинг барча Иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган қарори билан тасдиқланади.

8.6. Устав фондига ҳисса сифатида Жамиятга фойдаланиш учун берилган мол-мулкнинг муддат ўтгунга қадар ушбу мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи тугатилган тақдирда, Жамиятнинг мол-мулкни берган Иштирокчиси Жамиятнинг талабига биноан унга шундай мол-мулкдан шунга ўхшаш шароитларда қолган муддат мобайнида фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақиға тенг пул товони тўлаши шарт. Пул товони Жамият томонидан уни бериш талабномаси тақдим этилганидан эътиборан агар Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан товон тўлашнинг бошқача тартиби белгиланган бўлмаса, бир ой ичида бир йўла тўланиши керак. Бундай қарор Жамиятнинг Устав фондига ҳисса сифатида мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини берган ва бу ҳуқуқ муддатида илгари тугатилган Жамият иштирокчисининг овозини ҳисобга олмаган ҳолда Жамият Иштирокчиларининг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

8.7. Жамиятдан чиқарилган ёки ундан чиқиб кетган Иштирокчи томонидан Жамиятнинг Устав фондига ҳисса тариқасида фойдаланиш учун берилган мол-мулк, у қанча муддатга берилган бўлса, шунча муддат давомида Жамият фойдаланишида қолаверади.

8.8. Жамиятнинг ҳар бир Иштирокчиси Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмайдиган муддат мобайнида Жамиятнинг Устав фондига ўз ҳиссасини тўлиқ киритиши керак.

8.9. Жамият Иштирокчилари томонидан ҳиссанинг тўлиқ киритилганлиги Жамият Иштирокчисига бериладиган гувоҳнома билан тасдиқланади.

9-модда. Жамият устав фондини кўпайтириш.

9.1. Жамиятнинг Устав фондини кўпайтиришга, у тўлиқ шакллантирилганидан кейингина йўл қўйилади.

9.2. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг Жамият Иштирокчилари умумий овозлари сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорига биноан амалга оширилади.

9.3. Жамият Устав фондининг кўпайтирилиши:

Жамиятнинг мол-мулки;

Жамият Иштирокчиларининг қўшимча ҳиссалари;

Жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахсларнинг ҳиссалари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

9.4. Жамият Устав фондини Жамиятнинг мол-мулки ҳисобига кўпайтириш тўғрисидаги қарор, бундай қарор қабул қилинган йилдан олдинги йил учун Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосидагина қабул қилиниши мумкин.

9.5. Жамият Устав фонди Жамиятнинг мол-мулки ҳисобига кўпайтириладиган сўмма Жамият соф активларининг қиймати билан Устав фонди ҳамда Захира фонди сўммаси ўртасидаги фарқдан ортиқ бўлмаслиги керак.

9.6. Жамиятнинг Устав фонди кўпайтириладиган Жамиятнинг барча Иштирокчилари улушларининг миқдорлари ўзгармаган ҳолда улар улушларининг номинал қиймати мутаносиб равишда кўпаяди.

10-модда. Жамият устав фондини камайтириш.

10.1. Жамият ўз устав фондини камайтиришга ҳақли, қонун ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда эса, жамият ўз иштирокчиларининг жамият устав фондидаги улушларининг номинал қийматини камайтириш ва (ёки) жамиятга тегишли улушларнинг ҳақини тўлаш орқали ўз устав фондини камайтириши шарт.

10.2. Жамият, агар бундай камайтириш натижасида Устав фондининг миқдори амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланган Устав фондининг минимал миқдоридан кам бўлиб қолса, амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамият Устав фонди миқдоридан камайиб кетса Устав фондини камайтиришга ҳақли.

10.3. Жамият барча Иштирокчилари улушларининг номинал қийматини камайтириш йўли билан Жамият Устав фондини камайтириш Жамият барча Иштирокчилари улушлари миқдорларининг фойзий муносабати сақлаб қолинган ҳолда амалга оширилмоғи лозим.

10.4. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида унинг Устав фонди тўлиқ тўланмаган тақдирда, Жамият ўзининг Устав фондини амалда тўланган миқдоргача камайтиришини эълон қилиши ва унинг камайтирилганлигини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши ёки Жамиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.

10.5. Агар иккинчи ва ҳар бир кейинги молия йили тугаганидан кейин Жамият соф активларининг қиймати унинг Устав фондидан кам бўлиб қолса, Жамият ўзининг Устав фондини ўзининг соф активлари қийматидан ошмайдиган миқдоргача камайтирилишини эълон қилиши ва бундай камайтиришни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши шарт.

10.6. Жамият соф активларининг қиймати амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда аниқланади.

10.7. Жамият ўз Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кун ичида Жамиятнинг Устав фонди камайтирилгани ва унинг янги миқдори ҳақида Жамиятнинг ўзига маълум бўлган барча кредиторларини ёзма равишда хабардор қилиши, шунингдек қабул қилинган қарор тўғрисида оммавий ахборот воситаларида хабар эълон қилиши шарт. Бунда Жамият кредиторлари ўзларига хабарнома йўлланган санадан эътиборан ўттиз кун ичида ёки қабул қилинган қарор тўғрисида хабар эълон қилинган санадан эътиборан ўттиз кун ичида Жамият тегишли мажбуриятларини муддатидан илгари тугатишини ёки ижро этишини ҳамда ўзлари кўрган зарарнинг ўрнини қоплашини ёзма равишда талаб қилишга ҳақлидирлар.

11-модда. Жамиятнинг мол-мулки.

11.1. Жамият ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкка эга бўлади. Эгалик ҳуқуқида Жамиятга унинг иштирокчилари томонидан ҳисса сифатида берилган мулк, шунингдек бошқа асослар бўйича сотиб олинган мулк тегишли бўлади.

11.2. Жамият мулкдор ҳуқуқларини амалга оширган ҳолда ўз қарамоғидаги мулкка нисбатан амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни ўз ихтиери билан амалга оширишга ҳақли, шу жумладан:

- мулкни ўз қарамоғидан бошқа шахслар мулкчилигига чиқаришга;
- мулкдор сифатида қолган ҳолда мулкка эгалик қилиш, ишлатиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини беришга;

- мулкени гаровга бериш ва уни бошқа йўллар билан ишлатишга;
- уларни бошқа йўллар билан тасарруф этишга ҳақли.

11.3. Жамият мол-мулки Устав ва Захира фондлари, асосий воситалар, номоддий активлар, шунингдек қонунда белгиланган тартибда ва ишбилармонлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган Жамият сотиб оладиган мол-мулк, банк ҳисобларидаги маблағлардан иборат.

12-модда. Жамият иштирокчисининг Жамият устав фондидаги улушининг (улуши бир қисмининг) Жамиятнинг бошқа иштирокчиларига ва учинчи шахсларга ўтиши.

12.1. Жамият Иштирокчиси Жамиятнинг Устав фондидаги ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини Жамиятнинг бир ёки бир неча Иштирокчисига сотишга ёки ўзга тарзда улар фойдасига воз кечишга ҳақлидир. Бундай битимни тузиш учун Жамиятнинг ёки Жамият бошқа Иштирокчиларининг розилиги талаб қилинмайди.

12.2. Жамият Иштирокчиси ўз улушини учинчи шахсларга сотиши ёки бошқача тарзда уларнинг фойдасига воз кечиши мумкин.

12.3. Жамият Иштирокчисининг улуши тўлиқ тўлангунга қадар бўлган даврда у факат тўланган қисми бўйича бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.

12.4. Жамият иштирокчилари Жамият иштирокчисининг улушини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсга таклиф қилинадиган баҳо бўйича ўз улушлари микдорларига мутаносиб равишда сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар. Агар Жамиятнинг бошқа Иштирокчилари улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда ўзларининг имтиёзли ҳуқуқларидан фойдаланмаган бўлсалар, Жамият ўзининг Иштирокчиси томонидан сотилаётган улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

12.5. Ўз улушини (улушнинг бир қисмини) учинчи шахсга сотиш ниятида бўлган Жамият иштирокчиси улуши сотиладиган баҳони ва бошқа шартларни кўрсатган ҳолда бу ҳақда Жамиятнинг қолган Иштирокчиларини ва Жамиятнинг ўзини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

12.6. Жамият Иштирокчилари ва (ёки) Жамият сотиш учун таклиф қилинаётган бутун улушни (улушнинг бутун қисмини) сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан, шундай хабар берилган кундан эътиборан бир ой ичида фойдаланмаган тақдирда улуш (улушнинг бир қисми) Жамиятга ва унинг Иштирокчиларига хабар қилинган баҳоларда ва шартларда учинчи шахсга сотилиши мумкин.

12.7. Иштирокчилар ва (ёки) Жамиятга мурожаат этилган пайтдан бошлаб ўттиз кун мобайнида Жамиятнинг барча Иштирокчилари ва (ёки) Жамиятнинг ёзма розилиги қабул қилинган ёки Жамиятнинг барча Иштирокчилари ва (ёки) Жамиятнинг ёзма норозилиги қабул қилинмаган бўлса розилик қабул қилинган ҳисобланади.

12.8. Улуш (улушнинг бир қисми) сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқи бузилган ҳолда сотилган тақдирда, Жамиятнинг исталган иштирокчиси ва (ёки) Жамият бундай бузилишни билган ёхуд уни билиши лозим бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичида сотувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўзларига ўтказишни суд тартибида талаб қилишга ҳақлидирлар. Мазкур имтиёзли ҳуқуқдан бошқанинг фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

12.9. Жамиятнинг Устав фондидаги улушни (улушнинг бир қисмини) олувчига Жамият Иштирокчисининг мазкур улушдан (улушнинг бир қисмидан) воз кечишига қадар юзага келган барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўтади.

12.10. Жамиятнинг Устав фондидаги улушлар жисмоний шахсларнинг меросхурларига ва Жамиятнинг Иштирокчилари бўлган юридик шахсларнинг ҳуқуқий ворисларига ўтади.

12.11. Жамиятнинг иштирокчиси бўлган юридик шахс тугатилган тақдирда, унинг кредиторлари билан ҳисоб-китоб тугалланганидан сўнг қолган унга қарашли улуш, агар қонун ҳужжатлари ёки таъсис ҳужжатларида бошқаси назарда тутилган бўлмаса, тугатилаётган юридик шахснинг иштирокчилари ўртасида тақсимланади.

12.12. Жамиятнинг вафот этган иштирокчисининг меросхўри томонидан мерос қабул қилингунга қадар Жамиятнинг вафот этган иштирокчиси ҳуқуқлари васиятномада кўрсатилган шахс томонидан, бундай шахс бўлмаган тақдирда эса нотариус тайинлаган бошқарувчи томонидан амалга оширилади.

12.13. Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, Жамиятнинг Устав фондидаги улуш (улушнинг бир қисми) очик ким ошди савдоси орқали сотилганда, мазкур улушнинг (улуш бир қисмининг) олувчиси Жамиятнинг ёки унинг Иштирокчиларининг розилигидан катъи назар Жамиятнинг иштирокчисига айланади.

13-модда. Иштирокчининг Жамият таркибидан чиқиши Жамият устав фондидаги улушни (улушнинг бир қисмини) Жамият томонидан олиниши.

13.1. Жамият Иштирокчиси Жамият Иштирокчилари таркибидан бошқа Иштирокчилар ёки Жамиятнинг розилигидан қатъий назар қонун ҳужжатлар, шунингдек ушбу Устав ва жамият Таъсис шартномасида назарда тутилган тартибда исталган вақтда чиқиб кетишга ҳақдидир.

13.2. Жамият Иштирокчисини Жамият таркибидан чиқишида унинг улуши, у ариза топширган пайдан бошлаб Жамият тасарруфига ўтади. Бунда Жамият Иштирокчига бу улушнинг (улуш қисмининг) ҳақиқий қийматини тўлаши ёки чиққаннинг розилиги билан улушини худди шундай қийматдаги натура ҳолида берилиши лозим.

Улушни ҳақиқий қиймати чиқиш ёки чиқарилиш муддатидан олдинги ҳисобот давр мобайнидаги ҳисобот даври учун Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланади.

Улушни (улуш қисмининг) ҳақиқий қийматини баҳолаш мустақил баҳолаш компанияси томонидан ЎзРнинг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, амалга оширилади.

13.3. Жамият таъсис этилишида ўз хиссасини муддатида тўлиқ киритмаган Иштирокчининг, шунингдек ушбу Уставнинг 7.5. бандига мувофиқ муддатда пуллик ёки бошқа товонни тақдим этмаган Иштирокчининг улуши Жамиятга ўтказилади.

Бунда Жамият Иштирокчига унинг хиссасига муносиб (Жамият тасарруфида бўлган вақт мобайнидаги муддатга) ҳақиқий қийматини тулаши, ёки унинг розилиги билан унга худди шундай қийматдаги натура ҳолида бериши шарт.

Улуш бир қисмининг ҳақиқий қиймати хиссани кўшиш ёки товонни тақдим этишнинг муддати ўтадиган кундан олдинги охириги ҳисобот даври учун Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланади.

13.4. Жамият унинг таркибидан чиқиш тўғрисидаги ариза берган Иштирокчига унинг улушини (улушини қисмини) ҳақиқий қийматини ёки худди шундай қийматдаги натура ҳолида Жамиятга унинг улушини ўтказилганидан 6 ой давомида тўлаши лозим.

13.5. Жамият томонидан Жамият Иштирокчиси улушнинг (улуши бир қисмининг) ҳақиқий қиймати унинг кредиторлари талабига биноан тўланган тақдирда, улуш ҳақиқий қийматининг Жамият бошқа Иштирокчилари томонидан тўланмаган қисми Жамиятга ўтади, улушнинг қолган қисми Жамиятнинг Иштирокчилари ўртасида улар қўшган тўловга муносиб равишда тақсимланади.

13.6. Улуш (улушнинг бир қисми) Жамиятнинг Иштирокчиси у Жамият томонидан олиниши тўғрисида талабнома тақдим этган ёки хиссани кўшиш муддати ўтган ёхуд товон берилган ёки Иштирокчини Жамиятдан чиқариш тўғрисидаги суд қарори қонуний кучга кирган ёки Жамият Иштирокчиси улушнинг (улуши бир қисмининг) ҳақиқий қиймати унинг кредиторлари талабига биноан Жамият томонидан тўланган пайдан эътиборан Жамиятга ўтади.

13.7. Улушнинг (улуш қисмининг) ҳақиқий қиймати Жамият соф активларининг қиймати билан унинг Устав фонди миқдори ўртасидаги фарқ ҳисобидан тўланади. Агар бундай фарқ етарли бўлмаса, Жамият ўзининг Устав фондини етишмаётган сўммага камайитириши шарт.

13.8. Жамиятга карашли улушлар Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишида овоз бериш натижаларини аниқлаш, шунингдек Жамият тугатилган тақдирда унинг фойдаси ва мол-мулки тақсимланаётганда ҳисобга олинмайди.

13.9. Жамиятга карашли улуш у Жамиятга ўтган кундан эътиборан бир йил ичида Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорига биноан Жамиятнинг барча Иштирокчилари ўртасида уларнинг Жамият Устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланиши ёхуд Жамиятнинг барча ёки айрим иштирокчиларига ва (ёки), учинчи шахсларга сотилиши ҳамда тўлиқ тўланиши керак. Улушнинг тақсимланмаган ёки сотилмаган қисмининг ҳақи Жамиятнинг Устав фондини тегишлича камайтирган ҳолда тўланиши керак.

Улушни Жамият Иштирокчиларининг улушлари миқдорлари ўзгарадиган тарзда Жамият иштирокчиларига сотиш, улушни учинчи шахсларга сотиш, шунингдек улушни сотиш билан боғлиқ ўзгартишларни Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритиш Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг Жамиятнинг барча Иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинган қарори асосида амалга оширилади.

14-модда. Жамиятни бошқариш тузилмаси.

Жамият фаолиятини назорат қилиш.

14.1. Жамиятни бошқариш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, мазкур Устав ҳамда Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

14.2. Жамиятни бошқариш Жамият Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши, Кузатув Кенгаши ҳамда Яккабошчилик асосидаги ижро этувчи орган – Бош директор томонидан амалга оширилади.

14.3. Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилиши Жамият бошқарувининг олий органи ҳисобланади.

14.4. Жамият Кузатув кенгаши – Жамият фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи органдир, Жамиятнинг ижроия органи, Жамият умумий йиғилишининг ваколатларига киритилган масалаларни ҳал қилиш бундан мустасно.

14.5. Жамият Бошқаруви – Яккабошчилик асосидаги ижро этувчи орган – Бош директор томонидан амалга оширилади, Жамият умумий йиғилиш ҳамда Кузатув Кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

15-модда. Жамият иштирокчилари умумий йиғилиши ваколатлари.

15.1. Умумий йиғилишнинг мутлақ ваколатига қуйидаги масалаларни ҳал қилиш киради:

- Жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамият Устав фондининг миқдорини ўзгартириш;
- Жамият Устав фонди миқдорини Иштирокчи (иштирокчилар) ва (ёки) учинчи шахсларнинг қўшган хиссалари ҳисобига кўпайтириш;
- Таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;
- Жамиятнинг ижро этувчи органини тузиш ва уларнинг ваколатларини муддатдан илгари тугатиш;
- Жамиятнинг тафтиш комиссиясини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- Йил ҳисоботлари ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш;
- Жамият Иштирокчилари ўртасида Жамият соф фойдасини тақсимлаш қарорини қабул қилиш;
- Жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);
- Жамият томонидан облигацияларни жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;
- Бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Конунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан мол-мулкни қўлга киритиш ва уни ўз тасарруфидан чиқариш билан боғлиқ йирик битимлар тузиш;
- Жамият Устав фондига Жамият Иштирокчилари ва учинчи шахслар томонидан пулсиз шаклда киритиладиган хиссаларни пуллик баҳосини белгилаш;
- Жамият Иштирокчилари максимал улушини чегаралаш, шунингдек Жамият Иштирокчилари улушлари тақсимотини ўзгартириш имконияти тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
- Иштирокчиларнинг Устав фондида бошқа Жамият Иштирокчи ёки учинчи шахсига улуш (улуш қисми) гаровини қабул қилиш;
- ушбу Устав ва қонунҳужжатларда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

15.2. Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига киритилган масалалар Жамиятнинг ижро этувчи органи ҳал этиши учун топширилиши мумкин эмас.

16-модда. Жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши.

16.1. Жамият Иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши Жамиятнинг йилига бир марта молия йили тугаганидан кейин кечи билан олти ой ичида ўтказилади.

16.2. Жамият Иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши Жамиятнинг Ижро этувчи органи томонидан чақирилади.

16.3. Жамият Иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилишида мажбурий равишда Жамият фаолиятининг йиллик натижалари ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа масалалар тасдиқланади.

17-модда. Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши.

17.1. Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши, бундай умумий йиғилишни ўтказишни Жамиятнинг ва унинг Иштирокчиларининг манфаатлари тақозо этса, ўтказилади.

17.2. Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан чақиртирилади, шунингдек:

Жамият Иштирокчилари умумий овозлар сонининг жами камида ўндан бирига эга бўлган Корхона Иштирокчиларининг талабига биноан.

17.3. Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши зарур ҳолларда Жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан унинг ўз ташаббусига биноан чақиртирилади.

17.4. Жамиятнинг ижро этувчи органи Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талаб олинган санадан зътиборан уч кун ичида мазкур талабни кўриб чиқиши ва Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёки уни ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

17.5. Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор Жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан фақат қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин:

агар Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабни тақдим этишнинг қонунҳужжатларда белгиланган тартибига риоя этилган бўлмаса;

агар Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг кун тартибига киритиш учун таклиф килинган масалалардан бирортаси ҳам унинг ваколатлари жумласига кирмаса.

17.6. Жамиятнинг Ижро этувчи органи Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалар таърифига ўзгартишлар киритишга, шунингдек Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишнинг таклиф килинган шаклини ўзгартиришга ҳақли эмас.

17.7. Жамият Иштирокчилари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг кун тартибига киритиш учун таклиф килинган масалалар билан бир қаторда, Жамиятнинг ижро этувчи органининг ўз ташаббуси билан унга, кун тартиби расмий равишда ўқиб эшиттириладиган кундан кечиктирмай, кўшимча масалалар киритишга ҳақлидир.

17.8. Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, бундай умумий йиғилиш уни ўтказиш тўғрисидаги талабнома олинган кундан эътиборан қирқ беш кундан кечиктирмай ўтказилиши шарт.

17.9. Агар 17.8. бандда белгиланган муддат ичида Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки уни ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни ўтказишни талаб қилаётган органлар ёки шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолда Жамиятнинг ижро этувчи органи мазкур органлар ёки шахсларга Жамият Иштирокчиларининг манзиллари кўрсатилган рўйхатни тақдим этиши шарт.

Умумий йиғилишга тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш харажатлари Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорига биноан Жамиятнинг маблағлари ҳисобидан копланиши мумкин.

18-модда. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш тартиби.

18.1. Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақирувчи орган ёки шахслар уни ўтказишдан камида ўттиз кун олдин, бу ҳақда Жамиятнинг ҳар бир Иштирокчисини Жамият Иштирокчиларининг рўйхатида кўрсатилган манзил бўйича буюртма хат билан хабардор қилиши шарт.

Хабарномада Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилиши ўтказиладиган вақт ва жой, шунингдек таклиф қилинаётган кун тартиби кўрсатилиши керак.

18.2. Жамиятнинг исталган Иштирокчиси Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг кун тартибига кўшимча масалаларни киритиш тўғрисида уни ўтказишдан камида ўн беш кун олдин таклифлар киритишга ҳақлидир.

Кўшимча масалалар, Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг ваколатлари жумласига кирмайдиган масалаларни истисно этганда, Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг кун тартибига киритилади.

18.3. Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақирувчи орган ёки шахслар Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг кун тартибига киритиш учун таклиф килинган кўшимча масалалар таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмаслар.

18.4. Агар Жамият Иштирокчиларининг таклифига биноан Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг дастлабки кун тартибига ўзгартишлар киритиладиган бўлса, Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақирувчи орган ёки шахслар умумий йиғилиш ўтказиладиган кундан камида ўн кун олдин ушбу Уставнинг 18.1. бандида кўрсатилган усулда кун тартибига киритилган ўзгартишлар ҳақида Жамиятнинг барча Иштирокчиларини хабардор қилишлари шарт.

18.5. Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш чоғида Жамият Иштирокчиларига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот ва материаллар жумласига қуйидагилар қиради:

- Жамиятнинг йиллик ҳисоботи;

- Жамият нинг йиллик ҳисоботлари ва йиллик бухгалтерия балансларини текшириш натижалари бўйича Жамият тафтиш комиссиясининг хулосаси;
- молиявий ҳисоботларнинг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги аудиторлик хулосаси;
- Жамиятнинг ижро этувчи органи ва Жамиятнинг тафтиш комиссиясига номзод (номзодлар) тўғрисидаги маълумотлар;
- Жамиятнинг Уставида назарда тутилган бошқа ахборот/материаллар.

18.6. Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақирувчи орган ёки шахслар уларга ахборот ва материалларни Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарнома билан биргаликда юбориши шарт, кун тартиби ўзгартирилган тақдирда, тегишли ахборот ва материаллар ана шундай ўзгартиш тўғрисидаги хабарнома билан биргаликда юборилади. Кўрсатилган ахборот ва материаллар Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилиши - ўтказилишидан олдин ўттиз кун мобайнида Жамият ижро этувчи органининг биносида танишиш учун Жамиятнинг барча Иштирокчиларига тақдим этилиши керак.

18.7. Жамият Иштирокчиларининг Умумий йиғилишини чақиришнинг тартиби бузилган тақдирда, агар бундай Умумий йиғилишда Жамиятнинг барча Иштирокчилари иштирок этаётган бўлса, у ваколатли деб эътироф этилади.

19-модда. Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг сиртдан овоз бериш йули билан қабул қилинадиган қарори.

19.1. Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори йиғилишни ўтказмай сиртдан овоз бериш йули билан қабул қилиниши мумкин. Бундай овоз бериш почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки узатиб бериладиган ва қабул қилинадиган хабарларни туғри бўлишини ва уларнинг ҳужжатлар билан тасдиқланишини таъминловчи бошқа алоқа воситасида ҳужжатларни айирбошлаш йули билан ўтказилиши мумкин.

19.2. Сиртдан овоз бериш тартиби таклиф қилинаётган кун тартибини Жамиятнинг барча Иштирокчиларига хабар қилишнинг мажбурийлигини, Жамиятнинг барча Иштирокчилари овоз бериш бошлангунга қадар барча зарур ахборот ва материаллар билан танишиб чиқиши имкониятини, кун тартибига қўшимча масалаларни киритиш тўғрисида таклифлар киритиш имкониятини, овоз бериш бошлангунга қадар Жамиятнинг барча Иштирокчиларига ўзгартирилган кун тартибини, шунингдек овоз бериш таомилининг тугаш муддатини хабар қилишнинг мажбурийлигини назарда тутган бўлиши керак.

20-модда. Жамиятнинг Бош директори.

20.1. Бош директор Жамиятнинг ижроия органи ҳисобланади, Жамият иштирокчилари умумий йиғилиши томонидан сайланади.

20.2. Бош директор Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарликни амалга оширади ва Иштирокчиларнинг Умумий йиғилиши олдида унинг қарорлари бажарилиши учун шахсан жавобгарлик олиб боради.

20.3. Жамият ва унинг яккабошчилик асосидаги Бош директор вазифасини бажарадиган шахс ўртасидаги шартнома Жамият номидан Жамиятнинг Бош директор вазифасини амалга оширувчи шахс сайланган Умумий йиғилишдаги раислик қилувчи шахс томонидан ёки Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан ваколат берилган Жамиятнинг Иштирокчиси томонидан имзоланади.

20.4. Жамиятнинг Бош директори:

- Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишида қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини ташкиллаштиради;

- Жамиятнинг иштирокчилари билан келишилган ҳолда Жамиятнинг филиалларни очиш, уларнинг фаолиятини тўхатиш ёки тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилади;
- Филиалларнинг раҳбар ва ходимларини Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонучилигига асосан ишга қабул қилади ёки ишдан бўшатади;
- Жамият ички муносабатларини аниқловчи норматив ҳужжатларни мустақил равишда тасдиқлайди;
- Жамият тузилмасини ва штатларини ўрнатади;
- Ходимларга ҳақ тулаш ва уларни моддий рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқади;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди ва битимлар тузади;
- банкларда ҳисоб ва бошқа рақамларини очади, Жамиятнинг мол-мулки ва молиявий маблағларини ўз ваколати доирасида бошқаради;
- Жамият номидан вакиллик қилиш ҳуқуқи учун ишончномалар беради;
- Жамият ходимлари билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни бекор қилади, ходимларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллайди;
- ушбу Устав билан Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилиши ваколатлари жумласига киритилмаган бошқа ваколатларни амалга оширади.

20.5. Жамият Бош директорининг фаолияти ва у томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби Жамиятнинг ҳужжатлари билан, шунингдек Жамият ва Бош директор ўртасида тузилган шартнома билан белгиланади.

21-модда. Жамиятнинг кузатув кенгаши.

21.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият ижроия органи фаолияти устидан назоратни ҳамда унинг умумий бошқаришини амалга оширади, шунингдек Жамият таъсисчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилади, қонун ҳужжатлар ва мазкур Устав билан Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

21.2. Жамият Кузатув кенгаши қонун ҳужжатлар, мазкур Устав ва Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорлари асосида ўз фаолиятини амалга оширади.

21.3. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони, Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади, Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари Жамият Иштирокчилари умумий йиғилиши томонидан икки йилгача бўлган муддатга сайланади. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига тасдиқланган шахслар Кузатув кенгаш аъзолигига чекланмаган тарзда қайта тасдиқланиши мумкин, Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилиш қарорлари бундан мустасно.

21.4. Жамият ижроия органи, шу жумладан Бош директори Жамият Кузатув кенгашига тасдиқланиши мумкин эмас.

21.5. Жамият Кузатув кенгаши таркибига тасдиқланган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар Жамият Иштирокчилари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.

21.6. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари тасдиқланиши Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг мажлис иштирокчиларининг умумий овозлари сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан амалга оширилади.

21.7. Жамият Кузатув кенгашининг Раиси Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг мажлис иштирокчиларининг умумий овозлари сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан тасдиқланади.

Жамият Иштирокчилари умумий йиғилиши томонидан Жамият Кузатув кенгаши раиси ваколати муддатидан олдин бекор қилинганда, шу йиғилишнинг ўзидаёқ, Жамият Кузатув кенгашининг амалдаги аъзолари сафидан ёки Жамият иштирокчилари таклифига кўра бошқа шахс Жамият Кузатув кенгашига Раисликка сайланиши керак.

21.8. Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорига биноан Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларига ҳақ тўланиши ва (ёки) уларнинг ўз мажбуриятларини

бажаришлари билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Ҳақлар ва товонларнинг миқдорлари Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади.

21.9. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доираси қуйидагилар:

- Жамият ижроия органи томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунҳужжатлар талаблари ижроси таъминланиши ва риоя қилинишини назорат қилиш;
- Жамият Иштирокчилари умумий йиғилиши Қарорлари бажарилишини ва Жамиятнинг асосий йўналиши бўйича фаолият юритишини назорат қилиш;
- Жамият Иштирокчиларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш, ташкиллаштириш ва ўтказилишини таъминлаш;
- Жамият Бош директори ва бош ҳисобчиси лавозимига номзодларни Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишига тавсия этиш ҳамда уларни лавозимидан озод этишни тавсия этиш;
- Жамиятнинг йиллик молия ҳисоботлари тўғрилигини, бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибининг белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш учун Жамиятнинг умумий йиғилишига аудиторлик ва актуарий ташкилотларини тавсия этиш;
- Жамиятнинг инвестицион портфели юритилишини, маблағлари ва сармоясини жойлаштиришини назорат қилиш;
- Жамият Иштирокчилари томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Жамият Бош директори билан тушинтириш ишларини олиб бориш;
- Жамиятнинг Бош директорига, унинг ўринбосарларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорини белгилаш;
- Жамиятнинг жорий фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Жамиятдан олиш;
- Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига мазкур Устав, Кузатув кенгаш тўғрисидаги низом ва Жамият Иштирокчилари умумий йиғилиши қарорларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин;
- Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасида киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг Бош директорига ўтказилиши мумкин эмас.

21.10. Жамият Кузатув кенгашининг Раиси унинг ишини ташкил этади, Жамият Кузатув кенгашининг Раиси мажлисларини чақиради ва уларга раислик қилади. Жамият Кузатув кенгашининг Раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

21.11. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Жамият Кузатув кенгашининг Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси ва Бош директор талабига кўра чақирилади. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг Раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Заруриятга кўра Жамият Кузатув кенгашининг мажлислари чоракда бир мартадан кўпроқ ўтказилиши мумкин.

21.12. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиш, ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим. Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

22-модда. Жамиятнинг ички ва ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш.

22.1. Молия ҳисоботлари тўғрилигини, бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибининг белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш учун Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилиш қарорига биноан қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда аудиторлик ташкилоти жалб этилади.

22.2. Аудиторлик текшируви натижалари Жамият Иштирокчиларига етказилади.

22.3. Жамият активларининг баланс қиймати 1 (бир) миллиард сўмдан ортиқ Жамиятда камида икки аудитордан иборат бўлган ички аудит хизмати ташкил этилади, Жамият

активларининг баланс қиймати 10 (ўн) миллиард сўмдан ортиқ бўлса, Жамиятдаги аудиторлар сони Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ ортиб боради.

22.4. Ички аудит хизмати Жамиятнинг ижро этувчи органи ва унинг тузилмавий бўлинмаларини назорат этувчи Жамиятнинг бўлинмаси ҳисобланади.

22.5. Ички аудит хизмати бошлиғи ҳар чорак бўйича ва молия йили тугагандан сўнг Жамият иштирокчиларига ҳисобот топширади. Ички аудит хизмати ходимлари билан меҳнат шартномасини Жамият Иштирокчилари умумий йиғилиши раиси томонидан имзоланади.

22.6. Ички аудит хизматининг иш режаси Жамият Иштирокчилари умумий йиғилиш томонидан тасдиқланади.

23-модда. Жамиятнинг молиявий-ҳўжалик фаолияти.

Жамиятнинг ҳисоби ва ҳисоботи.

23.1. Молиявий йил 1 январдан бошланади ва календарь йилининг 31 декабрида тугайди. Йил тугаганда Жамиятнинг баланси, фойдалар ва зиёнлар ҳисоби тузилади. Директор молиявий йил тугагандан сўнг 3 ойдан кечиктирмай Жамият фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни Иштирокчилар Умумий йиғилишига тақдим этади.

Бюджет йил календарь йили билан устма-уст тушади.

23.2. Жамият ўз фаолияти натижаларини ҳисобга олишни бажаради, бухгалтерлик, статистик ҳисоботни олиб боради ва уни белгиланган тартибда солиқ инспекцияси ва Ўзбекистан Республикасининг бошқа давлат ҳокимлик органларига юборади.

23.3. Бухгалтерлик ҳисоботи, Жамиятнинг йиллик ҳисоботларини тузиш ва текшири Ўзбекистан Республикасидаги амалдаги қонунчилигига мувофиқ олиб борилади.

24-модда. Жамият ҳужжатларини сақлаш.

24.1. Жамият, қуйидаги ҳужжатларни Жамият фаолиятининг жами муддати мобайнида сақлаши шарт:

- Жамиятнинг таъсис ҳужжатлари, шунингдек Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига қиритилган ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгаришлар ва қўшимчалар;
- Жамият таъсисчилари йиғилишининг Жамиятни ташкил этиш ва Жамиятнинг Устав фондига қўшиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳосини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни, шунингдек Жамиятни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа қарорларни ўз ичига олган баённомаси;
- Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- Жамиятнинг ўз балансида турган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги низомлар;
- Жамиятнинг облигацияларини чиқариш билан боғлиқ ҳужжатлар;
- Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишларининг баённомалари;
- аудиторлик ташкилотининг ҳулосалари;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

24.2. Жамият ушбу Уставнинг 24.1. бандида назарда тутилган ҳужжатларни унинг ижроия органининг жойлашган манзили бўйича сақдайди.

25-модда. Зарарларни қоплаш, заҳира фонди ва суғурта заҳирасининг шаклланиши.

25.1. Жамиятнинг заҳира фонди қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда унинг зарарларини қоплаш ва Жамият томонидан Жамиятнинг Устав фондидаги улушни (улушнинг бир қисmini) олиш учун мўлжаллангандир.

25.2. Заҳира фонди устав фондининг 25 % дан кам бўлмаган миқдорда вужудга келтирилиши керак.

25.3. Жамиятнинг заҳира фонди мазкур Уставда белгиланган миқдорга етгунга қадар, ҳар йили соф фойдадан 5 % лик ажратмалар қилиш йўли билан шакллантирилади.

25.4. Заҳира фонди қисман ёки тўлиқ сарф қилинса, у тўлиқ равишда яна ўз ўрнига келтирилиши шарт.

25.5. Жамият томонидан барча олинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида, махсус ваколатга эга органлар томонидан ишлаб чиқилган тартибда, сўм ва чет эл валютасида тўпланган суғурта мукофотлари ҳисобига заҳира фонди шакллантирилади.

25.6. Жамият активларининг Жамият суғурта резерви миқдorigа мутаносиб қисми мусодара қилинмайди.

26-модда. Фойдани тақсимлаш.

26.1. Жамият йилига бир марта (молия йили тугаганидан сўнг) ўзининг соф фойдасини Жамият Иштирокчилари орасида тақсимлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилишга ҳақли. Жамият Иштирокчилари орасида тақсимланадиган Жамиятнинг фойдаси қисмини белгилаш тўғрисидаги қарор Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

26.2. Жамият фойдасининг унинг Иштирокчилари ўртасида тақсимлаш учун мўлжалланган қисми уларнинг Жамият Устав Фондидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

26.3. Жамият қуйидаги ҳолларда ўз фойдасини Жамият Иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

Жамиятнинг бутун Устав Фонди тўлиқ тўлангунга қадар;

Қонун ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда Жамият Иштирокчиси улушининг (улуши бир қисмининг) ҳақиқий қиймати тўлангунга қадар;

агар бундай қарорни қабул қилиш пайтида Жамият қонунга мувофиқ банкротлик белгиларига жавоб берса ёки агар мазкур белгилар Жамиятда шундай қарор қабул қилиниши натижасида пайдо бўлса;

агар шундай қарорни қабул қилиш пайтида Жамият соф активларининг қиймати унинг Устав Фондидан ва заҳира фондидан кам бўлса ёки шундай қарор қабул қилиниши натижасида уларнинг миқдоридан камроқ бўлиб қолса;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Жамият ўз Иштирокчилари ўртасида тақсимланиши тўғрисида қарор қабул қилинган қуйидаги ҳолларда Жамият Иштирокчиларига фойдани тўлашга ҳақли эмас:

агар тўлаш пайтида Жамият қонунга мувофиқ банкротлик белгиларига жавоб берса ёки агар мазкур белгилар Жамиятда тўлов натижасида пайдо бўлса;

агар тўлаш пайтида Жамиятнинг соф активлари қиймати унинг Устав Фондидан ва заҳира фондидан кам бўлса ёки тўлаш натижасида уларнинг миқдоридан камроқ бўлиб қолса;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

26.4. бандида кўрсатилган ҳолатлар тугаганидан кейин Жамият ўз Иштирокчилари ўртасида тақсимланиши тўғрисида қарор қабул қилинган фойдани тўлаши шарт.

26.5. Чет эл Иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибга мувофиқ, Жамият фаолиятдан ташкил топган фойда тақсимланиши натижасида ўзига тегишли пулларни чет эл валютасида хорижга йўналтирилиши мумкин.

27-модда. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш.

27.1. Жамиятни қайта ташкил этиш қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш шаклида иштирокчилар умумий йиғилишининг қарорига биноан, амалдаги қонунчиликда назарда тутилган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Жамиятни қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 49-52 моддаларига, шунингдек «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида» ги Қонуннинг 49-54-моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

27.2. Жамият:

- Иштирокчилар умумий йиғилишининг қарори бўйича;
- Ўзбекистан Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ суд қарори бўйича;
- амалдаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа асослар бўйича тугатилади.

Жамиятнинг тугатилиши Ўзбекистан Республикасининг Фуқаролик Кодексининг 53-56 моддалари, шунингдек «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида» ги Қонуннинг 55-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

28-модда. Бошқа шартлар.

28.1. Ушбу Уставга киритиладиган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар Жамият Иштирокчилари томонидан ушбу Устав ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидалар бўйича тасдиқланиши, сўнгра давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Ушбу Уставга киритиладиган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда кучга киради.

28.2. Ушбу Устав давлат рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради.

28.3. Ушбу Устав Жамиятнинг барча органлари, Жамият Иштирокчилари, Жамият персоналига таалукли шахслар, ва бошқа учинчи шахсларга нисбатан мажбурий кучга эга.

28.4. Агар ушбу Уставнинг бирор бир қоидаси ўз кучини йўқртса, қолган қоидалар ўз кучини сақлаб қолади.

28.5. Агар Ушбу Устав қоидалар таъсис шартномаси қоидаларига зид бўлса, бундай ҳолда Жамият Иштирокчилари ва учинчи шахслар учун устун кучга эга бўлган ушбу Устав қоидалари амал қилинади.

28.6. Ушбу Уставда ҳал этилмаган масалалар Ўзбекистан Республикаси қонунчилиги ва таъсис шартномасига мувофиқ ҳал этилади.

УШБУ УСТАВНИ ИМЗОЛАДИЛАР:

Alimov Alisher Muzaffarovich _____

Kasimov Amir-Said Saydarifovich _____

Mkrtchyan Ovik Leonardovich _____

Islamov Ravshan Sayfutdinovich _____